



## THE CATTLE IS IN THE FREE TOURIST ZONE UGOM-CHOTKOL STATE NATIONAL NATURE PARK AND ITS TOURIST ASPECTS

*Shakhnoza G. Shomurodova*

*PhD*

*Chirchik State Pedagogical University of Tashkent region*

*Tashkent region, Uzbekistan*

*E-mail: [zangori\\_olov89@mail.ru](mailto:zangori_olov89@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Burchmulla, Ikhnochkol, Badakkol, Shaurkol, Urungach Lake, Pskom river, Chimyon Mountain, flora and fauna.

**Received:** 14.09.22

**Accepted:** 16.09.22

**Published:** 18.09.22

**Abstract:** The article describes the natural geographical location, flora and fauna of the Ugom-Chotkal State National Nature Park located in the Charvok free tourist zone. Also, the tourist aspects of the national park are highlighted for tourists visiting the nature park.

## ЧОРВОҚ ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИДАГИ УГОМ-ЧОТҚОЛ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИ ВА УНИНГ ТУРИСТИК ЖИХАТЛАРИ

*Шахноза Ф. Шомуродова*

*з.ф.ф.д (PhD)*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети*

*Тошкент вилояти, Ўзбекистон*

*E-mail: [zangori\\_olov89@mail.ru](mailto:zangori_olov89@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўз:** Бурчмулла, Ихночқўл, Бадакқўл, Шаурқўл, Урунгач кўли, Пском дарёси, Чимён тоғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.

**Аннотация:** Мақолада Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг табиий географик ўрни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида баён қилинган. Шунингдек, табиат боғига тушириб буюрувчи сайёҳлар учун миллий боғнинг туристик жиҳатлари ёритилган.

## УГОМ-ЧОТКАЛЬСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ ПРИРОДНЫЙ ПАРК В СВОБОДНОЙ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ЗОНЕ ЧОРВОК И ЕГО ТУРИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

*Шахноза Г. Шомуродова*

*PhD*

*Чирчицкий государственный педагогический университет Ташкентской области*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Бурчмулла, Ихночколь, Бадакколь, Шаурколь, озеро Урунгах, река Пском, гора Чимён, флора и фауна.

**Аннотация:** В статье описаны природно-географическое положение, флора и фауна Угом-Чоталъского государственного национального природного парка, расположенного в свободной туристической зоне Чарвок. Также для туристов, посещающих природный парк, выделены туристические аспекты национального парка.

---

**КИРИШ**

Дунё халқлари қадим-қадимдан саёҳат қилишни хуш кўради. Сабаби ҳаммага маълум. Ўзга юрт ҳавоси, табиатнинг мўъжизакор объектларини томоша қилиш ва дунё манзараларидан баҳраманд бўлиш, завқланиш, турфа халқлар ҳаёти билан танишиш, урф-одатларини кузатиш, саёҳат қилинган диёрнинг маданий ва меъморий ёдгорликлари, илм-фан аҳли билан танишиш, бу бир томондан, инсонга олам-олам шодлик ато этса, иккинчи томондан, сайёҳнинг маданияти юксалади, маънавий дунёқараши бойийди.

Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи ўзининг мўътадил иқлими мусаффо ҳавоси, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ғаройиб рельеф шакллари, сержило дарёлари ҳамда шифобахш булоқлари билан табиий-рекреацион район сифатида хорижликларни жалб этмоқда. Тоғларнинг мусаффо табиати ва шифобахш жойларида аҳоли учун даволаш ва дам олиш масканлари мавжуд. Зеро, мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган бўлиб, алоҳида муҳофаза остига олинган объектлардан бири ҳисобланади. Миллий табиат боғи таркибига Чотқол Давлат Биосфера кўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари киритилган бўлиб, хўжаликлар Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси (35,7 минг гектар), Оҳангарон (183,2 минг гектар) ва Бурчмулла (352,4 минг гектар) ўрмон хўжаликлари 1947 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда [1].

Бу ерларда Ўзбекистон флорасининг қарийб ярми ўсади. Булар асосан, дори-дармон гиёҳлардир. Ушбу ўрмонлар ўз таркибига кўра ноёб ҳисобланади.

Миллий боғнинг ғарбий қисми Чорвоқ эркин туристик зонаси ҳудудида жойлашган бўлиб, ўзининг бетакрорлиги, биохилма-хилликка бойлиги, иқлимнинг ўзига хослиги жиҳатидан юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Ҳудуднинг энг асосий

бойлиги бу-тоғ ўрмонзорлари ҳисобланиб, у ерлардаги чириндига бой ва юмшоқ иқлимли майдонларда ўсимликларнинг аралаш турлари кенг тарқалган. Бундан ташқари, катта майдонларни эгаллаган тоғ яйловлари ҳам мавжуд. Бунга мос равишда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам хилма-хил бўлиб, ёввойи турларнинг эркин яшаши ва кўпайиши учун қулай табиий шароит шаклланган.

Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи 1990 йилда 570 минг гектар майдонда яратилган. Боғнинг ҳудуди, тоғ ва тоғолди ўрмонзорлари, яйловлар, суғориладиган, шартли суғориладиган, лалми майдонлар, дарёлар, сув омборларидан ташкил топган. У Ўрта Осиёдаги энг жозибали, йирик экзотик миллий боғлар сирасига киради. Денгиз сатҳидан 1000 метрдан 4000 метргача баландликда бўлиб, Тошкент шаҳридан кўриқхона марказигача тахминан 65 км масофада жойлашган. Миллий боғнинг асосий мақсади камёб ландшафтлар, у ердаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ҳудудда жойлашган хўжаликлар фаолиятини табиатга салбий таъсир кўрсатишдан асраш.

Миллий боғнинг умумий майдони 574,6 минг гектар бўлиб, 60 дан ортиқ дарахт ва 80 турга яқин бута турлари ўсади. Ўрмонлар асосан шимолий ва шарқий ёнбағирларида жойлашган. Жанубий ёнбағирлар сийрак дарахтзорлар ёки бутазорлардан иборат.

Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи юртдошларимиз ва атрофдаги шаҳар аҳолиси учун дам олиш, даволаниш ҳамда спорт машғулотлари билан шуғулланишларида жуда қулай масканлардан ҳисобланади. Миллий табиат боғи олти тоғ тизмаларини камраб олган. Булар Угом, Пском, Чотқол, Қурама, Майдонтол, Кўксув тизмалари ва Чимён чўққисидир. Чорвоқ эркин туристик зонаси ҳудудида Ихноч, Бадак, Урунғач, Шауркўл каби табиий кўллари ва Тупроқбел, Барқироқсой, Текешсой ва Шауркўлнинг юқори қисмида абадий музликлари мавжуд бўлиб, буларнинг баъзилар 1-жадвалда келтирилган.

*1-жадвал*

***Чорвоқ эркин туристик зонасининг ички сувлари***

<i>№</i>	<i>Тоғ тизмалар</i>	<i>Ҳудуддан оқиб ўтувчи дарёлар</i>	<i>Табиий йирик кўллار</i>
1	Угом тизмаси	Угам	Урунғоч кўли
2	Пском тизмаси	Пском	Ихноч кўли
3	Чотқол тизмаси	Чотқол	Бодак кўли
4	Майдонтол тизмаси	Майдонтол	Шауркўл
5	Кўксув тизмаси	Ойгаинг	

*Жадвал: Муаллиф томонидан тузилди.*

Юқоридаги жадвалда келтирилган баъзи бир дарё ва табиий йирик кўллار, булоқлар, музликлар унча катта бўлмаган баланд тоғ кўлларида бошланадиган жилға ва сойлар бирлашиб, тез оқувчи Пском, Угам, Кўксув, Чотқол дарёларини ташкил қилади.

Дарёлар қирғоғини ёввойи терак, оқ қайин каби ўрмон дарахтлари эгаллаган. Тик қияликларда эса арчалар, сойлар ва тоғ ёнбағирларида аралаш дарахтлар ўсади. Тоғнинг баланд текисликларида ҳатто июль-август ойларида ҳам оқ, сарик, қизил лолалар очилади.

Миллий боғнинг мўътадил иқлими, ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, бетакрор манзаралари билан ўлкамизнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Миллий боғ ҳудудида ўсимликларнинг 1800 га яқин тури учрайди. Шундан 74 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган. Бу Угом бадани, Ўрта Осиё ноки, Пском тоғ пиёзи, лолаларнинг бир неча тури, эремурслар, Аболин астрагали, Бошқизилсой ёронгули, минквиц тезиуми сингари камёб турларнинг асосий популяциялари айнан бу ерда ўсади [2]. Ҳайвонот дунёси бўйича 230 хилга яқин турлари яшайди, шундан 38 тури Ўзбекистон ва Халқаро “Қизил китоби”га киритилган. Жумладан, оқ тирноқли Тяньшань қўнғир айиғи, қор қоплони, Мензбира суғури, Туркистон силовсини, лочинлар, Чотқол шайтонбалиғи ва бошқалар. Тоғ тепаликларида яшайдиган йирик кемирувчи мензбир суғури жуда ноёб ҳисобланади [3].

Миллий боғ ҳудудида қишли қировли кунларда ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни озиқланиши учун тоғли ҳудудларга ем ва тузларни сочиш ҳар йили декабрь-январь ойларида ўтказилади.

Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи ўзининг хилма-хил фауна олами билан ўлкамиз табиатини ўрганиш ва асраб-авайлашда муҳим ўрин тутди. Ҳайвонот оламини ўрганиш мақсадида 2 дона фототутқичлардан фойдаланиб, ҳозирги кунда Пском қишлоғининг юқори ҳудудларида денгиз сатҳидан 2500-3500 метр баландликда фототутқичлар ўрнатилган. Шунингдек, кечаси фаол бўлган ёввойи ҳайвонлардан дала мушуги, ёввойи чўчка, Сибирь тоғ эчкилари, тулки, паррандалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган Тяньшань қўнғир айиқларининг суръатлари олинди. 2015 йилда лойҳавий “Пском кўриқхонаси”нинг ҳайвонот олами бўйича сут эмизувчиларнинг 31 тури ҳамда қушларнинг 135 турларининг рўйхатлари тузиб чиқилган.

Боғ ҳудудида тарқалган жониворларнинг бир кеча-кундуз (бир сутка) мобайнидаги фаоллигини ўрганиш мақсадида куз мавсумида қатор тажрибалар ўтказиш режалаштирилди. Тажриба-кузатув ишларнинг асосий объекти сифатида ҳудудда кенг тарқалган сутэмизувчилар танланди ҳамда тажриба ҳудудлари аниқлаб олинди. Мониторинг майдонлари шимолдан Қозоғистон Республикаси, жанубдан Пском дарёсининг ўнг қирғоғи, ғарбдан Онаўлгансой, шарқдан эса Қаторунгур ҳудудларини қамраб олди.

Ҳайвонларнинг изларини аниқлаш ва уларни расмга тушуриш учун фототутқичлардан фойдаланилди. Фототутқичлар фақат суръатга олиш меъёрлари асосида

ишлатилади. Кундузи олинган суръатлар рангли, кечаси олинган суръатлар оқ-қора рангларда тасвирланади.

Фототутқичлар жониворлар кўп учрайдиган жойларга, улар кунда қатнайдиган йўлақларга ўрнатилган. (2-жадвалга қаранг) буларнинг баъзилари келтириб ўтилган.

2-жадвал

**Угом-Чотқол ДМТБ ҳудудида тарқалган сутэмизувчи ҳайвонларни фототутқичлардан фойдаланилган ҳолда аниқлаш натижалари**

№	Суръатга олинган ҳайвон номи	Вақти (соат)	Сони	Суръатга олинган жой	Ёши	Жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги (м)
1	Ёввойи чўчка	17 <sup>54</sup>	1	Тупроқбел	2-3	2600-2800
2	Латча	23 <sup>32</sup>	1	Тупроқбел		2600-2800
3	Ёввойи чўчка	22 <sup>55</sup>	1	Новбулоқ	3-4	2200-2400
4	Ёввойи чўчка	17 <sup>15</sup>	1	Новбулоқ	2-3	2200-2400
5	Ёввойи чўчка	18 <sup>10</sup>	1	Новбулоқ	2-3	2200-2400
6	Ёввойи чўчка	18 <sup>46</sup>	4	Новбулоқ	2-3	2200-2400
7	Тулки	23 <sup>22</sup>	1	Новбулоқ		2200-2400
8	Ёввойи чўчка	19 <sup>10</sup>	3	Новбулоқ	2-3	2200-2400
9	Тяншань кўнғир айиғи	25 <sup>54</sup>	1	Новбулоқ	2-3	2200-2400
10	Ёввойи чўчка	19 <sup>54</sup>	1	Новбулоқ	3-4	2300-2400

Жадвал: (М.А.Джабборова, Э.Ю.Саримсоқов Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси “Chinor ENK” наириёти Тошкент-2015 йил, 91-бет).

Дастлабки кузатишлар июнь ойида Тупроқбел ҳудудида бошланган бўлса, кейингилари сентябрь-октябрь ойларида Новбулоқ ҳудудида давом эттирилди, кузатувларнинг учинчи босқичи ноябрь ойида Қорабов ва Толлиқсойда олиб борилди.

Тоғ экосистемалари ўзининг бетакрорлиги ва хилма-хиллиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Бу ерларнинг тупроғи баландликка томон ўзгариб боради. Улар типик қора, кулранг (тоғ олди ҳудудларида) ва оч кўнғир, кўнғир тошлоқ (тоғнинг юқори қисмида) тупроқлардан ташкил топган.

Гидрографияси, асосан музликлардан тўйинадиган сойлар, булоқлар ва жилғалардан иборат.

Иқлими континентал бўлиб, ҳавонинг ўртача ҳарорати қишда -6 -9°C, ёзда +24 +26°C ни ташкил этади. Йиллик ёғин миқдори 700-800 мм [1]. Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган ҳудудларда уларнинг асосий озукаси саналган тоғ-яйлов ўсимликларидан далачай, андиз, тоғ райҳон, Пском пиёзи, оқ карак, қирқбўғим, маврак, шашир, кийик ўти, қора зира, лолалар кабилар учрайди. Бута ва дарахтлардан қора арча, арча, ёввойи олма, ёнғок, қизил дўлана, айикмурут, ирғай, тобилғи, шовғат, қатронғи, дўлана, итбурун, ирғай, четан, заранг,

зирк, шилви, эфедра ва қайин каби дарахтлар ўсади. Бу ўсимликларнинг баъзилари Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарори билан тасдиқланган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури”дан келиб чиққан ҳолда, Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг муҳим асоси ҳисобланган Пском ҳудудида кўриқхона ташкил этишни ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи Чорвоқ эркин туристик зонасининг тоғли ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу ерда ташриф буюрган туристлар оқимини икки мавсумга бўлиш мумкин:

1) *Қишги-тоғ чанғисида учуш мавсуми.* Бу мавсум 3-4 ой давом этиб, Чимён, Амирсой ва Белдирсой дам олиш зоналарига туристларни ташрифи киради. Асосан, бу ерга баҳорги туристлар оқими апрелдан - июнгача бўлган мавсумни ўз ичига олади. Бу ойларда Ғарбий Тяньшань водийлари ва тоғлари бўйлаб туристлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюради. Чимён тоғида май ойида оммавий чиқишлар амалга оширилади. Бу вақтда туристик баъзалари, туристик зоналари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

2) *Ёзги-тоғ ландшафтида сайр қилиш мавсуми.* Бу мавсум 5-6 ой давом этиб, ташриф буюрган туристлар саёҳат давомида бу ердаги ландшафтлар, табиат ёдгорликлари, арча ўрмонлари, тоғ қоялари, водийлардаги ва даралардаги дарахтзорлар, тоғ чўққиларининг тоғли кўринишини такрорланмаган ҳолдаги табиати билан танишадилар.

Миллий табиат боғининг ғаройиб табиат объектларидан бири бу шаршаралардир. Шаршараларнинг кўпчилиги бориш мушкул бўлган жойларда Кўксув, Пском тизмасида жойлашган. Айниқса, тоғ дарёларининг оқими тик қоялар ва бошқа баландликларга келиб пастга гўзал шаршараларни ҳосил қилиб оқиб тушади. Уларнинг баъзилари йўл ёққасида жойлашган ёки уларга олиб борувчи сўкмоқлар мавжуддир. Масалан, Товоқсой, Палтовсой, Гуликамсой, Ақсарсой, Харамзодасой сойларидаги шаршаралар ҳисобланади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг туристик жиҳатларини ана шундай хушманзара табиати ва шаршаралари ташкил қилади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг табиат манзаралари, шунингдек, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан мамлакатимизда ташриф буюрган туристлар эътиборини тортиб келмоқда десак муболаға бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Джабборова М.А., Саримсоқов Э.Ю. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси Т.: -2015. 6 бет. “Chinor ENK”.
2. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” I жилд. Ўсимликлар ва замбуруғлар. Т.: 2009. “Chinor ENK”.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” II жилд. Ҳайвонот олами Т.: 2009. “Chinor ENK”.
4. Mukhamajanovich, S. S., Gayratovna, S. S., & Ravshanovich, G. M. (2020). The use of the mountain kars in the tourism sphere in cort and recreation zone of Chimgan-Charvak. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 475-481.
5. Sh, S., Gudalov, M., & Sh, S. (2020). Geologic situation in the Aydar-Arnasay colony and its atropy. *Journal of Critical Reviews*, 7(3).
6. Gudalov, M., & Gozieva, M. (2020, December). Development Of Tourism In Zaamin National Nature Park By The Cluster Method. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 111-114).